




ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАР МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар раҳбар ҳамда педагог кадрларининг меҳнатини моддий рағбатлантириш ва унга ҳақ тўлашнинг юксак касб маҳоратини намоён этган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан катта ҳисса қўшаётган иқтидорли педагогларни рағбатлантиришни кўзда тутувчи сифат жиҳатдан янги механизмни жорий этиш, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж сезилаётган малакали мутахассислар тайёрлашда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг:

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очик-равшан механизмининг татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган муассасалар ходимларига бир марталиқ мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Куйдагилар белгилансин:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари — касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ташкил этилади;

Директор жамғармаси маблағлари ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ҳузурда тегишли муассаса раҳбари бошчилигида ҳамда Васийлик кенгаши, педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган, ўрнатилган ҳолатларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади.

3. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

4. 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

— гуруҳ раҳбарлиги учун — энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача;

— ёзма ишлари текшириш учун — энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

— ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун — энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори касб маҳоратига эга бўлганлиги ва ўқув-тарбия жараёнига шахсан ҳисса қўшганлиги, таълим беришдаги юқори самарадорлиги ҳамда сифати, ўқувчиларнинг касб-хунар қўникмалари ва билимларини ривожлантирганлиги, тарбиявий ва дарсдан ташқари ишлар олиб бораётганлиги учун Директор жамғармасидан уларга базавий тариф ставкаларининг 40 фоизигача миқдоридан ойлик устам ҳақ тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда:

— ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги Низомни;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қарарларнинг ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:


— қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

— вазирликлари ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 30 июль



ЧУҚУР БИЛИМ — МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Бугун юртимиздаги барча олий ўқув юртиларида тест-синов имтиҳонлари бўлиб ўтади

Бугун республикамиздаги барча олий таълим муассасалари абитуриентлар билан тўлган. Талаба бўлиш орзуси билан яшаётган йигит-қизларнинг ҳаяжони чексиз. Уларнинг барчаси ўзига омад қилиб ботиқсини истади. Лекин, фақат чуқур билим, юксак салоҳиятгина муваффақият калити бўла олади.

Истиқлол йилларида ёшларнинг замон талаблари даражасида пухта билим олишларини таъминлаш борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилди. Ҳаётимизга изчил тадбир этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури

ва "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" бунга ёрқин далилдир. 2008 йилнинг Ёшлар йили, деб эълон қилинган эса соҳага эътиборни янада кучайтирди. Бунинг самараси ўларок, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган йигит-қизларнинг билим ва салоҳияти йилдан йилга ошиб, уларнинг олий таълим муассасаларида ўқишга бўлган қизиқишлари ортиб бормоқда.

Шу йилнинг 20 июлига қадар республика олий ўқув юртиларида аби-

риентлардан жами 345 минг 733 та ариза келиб тушди. Улардан 23 минг 817 нафари академик лицей ва 128 минг 617 нафари коллеж битирувчиларидир. Президентимизнинг "2008-2009 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу йил абитуриентлардан 69 минг 105 нафари талаба бўлиш баҳтига муяссар бўлади. Шундан 5800 та ўрин бакалаврлар тайёрлашнинг кундузги бўлимлари учун белгиланган бўлиб, унинг 19 минг 945 таси давлат гранти, 38 минг 55 таси тўлов контрикт асосида қабул қилинади.

Албатта, рақамлардан қабул қилинган ўқувчиларнинг қураш ва таълим тизимидан амалга оширилаётган ислохотлар ва соҳага берилаётган эътибор натижасидир. Келгусида Ватанимиз рағбатини учун бу ҳаракатлар катта ҳисса бўлиб қўшилиши табиий. Чунки маънан ва жисмонан соғлом авлодгина юртининг макъеи ва шуҳратини кўтар олади. Ватан эртасини ўз тақдир, деб билган келажак бунёдкорларига тегинг имтиҳонларида омад тилаб қоламиз.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Ёшлар — ишончимиз ва таянчимиз



Байрам арафасидаги уйлар

БАРАКА ТОТУВЛИКДА

бағрикенглик бор жойда эзгулик илдиз отади.

Миллий истиқлол фансининг мақсадларидан бири ҳам шу — мамлакатимизда яшаётган юздан ортиқ миллат ва элат вакиллариининг осуда ҳаётини таъминлаш, уларнинг тили, маданиятини, ҳар бирига хос бектор урф-одат ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш. Мамлакатимизнинг Асосий Қонунида, истиқлол йилларида қабул қилинган қўллаб-қувватлашнинг бу нарса ўзининг адолатли ҳуқуқий ифодасини топган. Бу ҳолат эндиликда дунё ҳамжамияти томонидан ҳам баралла эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, шу азиз Ватан, шу бектор чаман — барча-мизники, борини асраб-

авайлаш, йўғини яратиш, келажак наслларга овоз ва обод Ватан қолдириш, қомил инсонлар тарбияси билан шуғулланиш — бош мақсадимиз. Демакки, истиқлолдек улғунъматни қадрлай билиш, уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 150 га яқин миллий-маданий марказлар ташкил этилган бўлиб, улар истиқлол шарофати билан эмин-эркин фаолият олиб бормоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг таъаббуси билан 1992 йили ўз ишини бошлаган Республика Байналмилал маданият маркази эса улар фаолиятини мувофиқлаштириб турибди. Айтиш жоизки, истиқлол шарофати бўлиш бундай марказлар дунёнинг бошқа мамлакатларида деярли

учрамайди. Халқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик ва яна бошқа бир қатор эзгу қасдларнинг қуйма ифодаси, десак бўлади уларни. "Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келган, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳроқибатлиқ фазиладлари билан ахрлий турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз, — деб таъкидлаган эди Президентимиз Ислам Каримов. — Бу нафақат ноёб ўзига хослик, балки аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан ҳар биримиз учун бебаҳо бўлган гоҳ катта бойлиқдир.

(Давоми 2-бетда).

Самарқанд вилоятининг Окдарё туманида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган "Етти ёш ЗМЖ" хусусий корхонаси ишга тушди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада мева концентрати ишлаб чиқарилади.

ОҚДАРЁДА ЯНГИ КОРХОНА

— Бу йил тўрт минг тонна помидор ва беш минг тонна олма қабул қилиш бўйича туманимиздаги юздан эйд фермерлар билан шартнома тузганмиз, — дейди корхона раҳбари Зиёдулла Дўстбеков. — Айтиш пайтда фермерлар томонидан етказиб берилаётган маҳсулотлар қайта ишланиб, қадокланмоқда.

Бугунги кунда қадокатна олма ва помидор шарбатлари тайёрланаётган корхонада ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот турини кўпайтириш ва экспорт ҳажминини ошириш кўзда тутилган.

Янги корхона фаолият бошлагач, 60 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси ва Журналистлар ижодий уюшмаси ташаббуси билан жорий йилнинг 1-7 август кунлари бўлиб ўтадиган "Болали фақат кўкрак сuti билан боқил ҳақон ҳақталиги" олдидан тадбир ташкил этилди.

— Мазкур ҳафталикни ўтказишдан мақсад соғлом авлодни вояга етказиш ва бола ҳаётининг дастлабки олти ой давомида уни фақат эмизиб озиқлантириш амалиётини илгари суришдир, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Махбуб Шариф. — Ҳафталик давомида болалар ҳаётини химоя қилишда илҳом беришча оддий усуллардан са-

марали фойдаланишга алоҳида эътибор берилди. Юртимизда 1997 йилдан буён гўдакларни кўкрак сuti билан озиқлантириш амалиётини қўллаб-қувватладиган ва рағбатлантирадиган шиғоҳоналарни яратиш устида иш олиб боришмоқда. Утган йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги синово ҳудудлари бўлими Фарғона, Тошкент, Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистонда 6 ойгача бўлган болаларни фақат она сuti билан боқил даражасини 65 фоизга кўтаришга эришди. Бугунги кунда мамлакатимизда 300 мингдан ортиқ болаларга тиббий хизмат кўрсатаётган 176 та шиғоҳона "Болага дўстона муносабатдаги шиғоҳона" сертификатини олган.

Н.ФАХРИДИНОВА.

Партия ҳаёти

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг IX Пленуми бўлиб ўтди.

МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади

Пленумда дастлаб Тошкент шаҳар партия Кенгаши биринчи котиби Фарид Пармонова жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари ва келгусидаги вазифалар ҳусусида маъруза қилди. У ўз сўзида сўнгги йилларда Кенгаш фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётганини, аynиқса, жойларда ташкил этилаётган тадбирлар сифат жиҳатдан янги

босқичга кўтарилганини алоҳида қайд этди. — Шаҳар Кенгаши ўз аъзолиги икки мингдан зиёд аъзоларни бирлаштирган, — деди Ф.Пармонова. — Эътиборлиси шундаки, уларнинг қарийб 50 фоизини аёллар ташкил этади. Бу партия томонидан жойларда хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор қаратилаётганидан далолат.

Таъкидлаганидек, партия нуфузини оширишда ҳудудий ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида шаҳар партия Кенгаши томонидан жами 130 дан ортиқ турли тадбирлар ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗДИР ИНСОН

Ҳар қандай жамият тараққиёти ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган эътибор билан белгиланади. Зотан, юрт келажак ҳақ-ўлғайётган ва жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера оладиган замонавий илмларга эга бўлган навақирон авлод қўлида. Мамлакатимиз таълим тизимидда олиб борилаётган ислохотлардан қўзланган эзгу мuddао, хайрли мақсад ҳам аслида шу.

Яқинда Президентимизнинг "Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини қарори ҳам ана шундай эзгуликнинг амалий натижасидир. Унга қўра, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларига жорий этиладиган базавий лавозим маошларини ўртача 25 фоиз миқдоридан, жами 1,5 баробарга ошириш назарда тутилган.

Айтиш керакки, ёшларнинг баркамол

авлод бўлиб тарбия топишлари, илм олиб, хунар ўрганишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш берган жамиятда ҳамisha олға силжиш бўлади. Бунга Япония, Жанубий Корея, Германия каби кўпгина тараққий этган мамлакатлар ҳаётини мисол қилиб келтириш мумкин. Айтиш пайтда мустақил диёримизда ҳам ана шундай йўл тутилмоқдаки, таълим тизимидagi ижобий ўзгаришларни, аynиқса, устоз-мураббийларга кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликни кўриб, қувониб кетасан. Халқимизда бекорга: "Қадрланган жойда азиздир инсон", дейилмайд.

...Президентимизнинг ушбу қарорини ўқиб, беихтиёр аждодларимиз аънаъасини ҳамон давом этаяётганлигини ҳис қилдим. Шу ўринда болаликда эшитган бир ривоят ёдимга тушди. Кунларнинг бирида Навоий бобомиз отда мўжазгина бир қишлоқ йўлида кетаётди, ногаҳон кўчада уйнаб турган уч-тўртта болага қўзи тушади.

(Давоми 2-бетда).

БАРАКА ТОТУВЛИКДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Бир томондан халқларнинг ўзига хослиги ва бетакорлигини сақлаш учун, бошқа томондан — тарихан шакланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган миллий аъёна ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари орасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятларнинг нечоғли юксак аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоиз...

Мустақилликнинг дастлабки йиллари ёдимизга тушади. Ушанда, бўлғуси янги жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий асослари шакллантирилаётган, собиқ тузумдан қолган муаммоларнинг қийин ечимлари изланаётган бир пайтда, узок-яқиндан айрича овозлар ҳам эшитилган. Баъзи "зукко" сиёсатдонлар "Ўзбекистонда миллий ўзлигини англаш тўғрисида кучайиб бормоқда, тарихий адолатни тиклаш баҳонасида тарихий шахсларга эътибор қўйиб кетди, бунинг оқибатида туб миллат манфаат-

лари улуғлини, бошқа миллат ва элатлар ҳақ-ҳуқуқлари камситилди, демакки, ижтимоий адолат принциплари бузилади", деган башоратлар билан чиққан эди. Тилимизга давлат мақоми берилганида, дин ва диндорларга муносабат тубдан ўзгарганида, улғу аждодларимиз қолдирган, бошқа халқлар аллақачонлардан бери фойдаланиб ётган маънавий меросдан ўзимиз ҳам баҳраманд бўла бошлаганимизда, миллий қадриятлар улуғланганида бу овозлар янада кучайган эди ўшанда. Не бахти, бундай бўлгани йўқ, аксинча, ватандошларимизда ягона Ватан, ягона макон тўғрисида қўйилди. "Ўзбекистон — умумий уйимиз", деган кутлуг бир шпор пайдо бўлди. Биз билан бирга юмруқ-заронлик қилаётган барча ватандошларимизнинг тенг ҳуқуқи баралла эътироф этилди.

Торға тор, кенга кенг дунё, дейдилар. Бу кўҳна заминда ҳаёт пайдо бўлганидан бери одамлар тинчлик-тотувликни орзулаб яшайдилар. Тинчлик ҳукм сурганида эл-юрт гуллаб-яшнаган, ҳаёт чироқлари пориллаб турган, умр давомчилари — фарзандлар туғилиб, воғна етган. Тотувлик кўтарилиб, бошқаларнинг мулкига кўз олайтириш, босиб олиш, талон-тарож қилиш бошланганида,

меҳр-окибат ўрнини жоҳиллик эгаллаганида, ҳар ким ўзи манфаатларини ўйлаб, қўни-қўшнисини, ёр-биродарини унутганида эса юртдан кут-барақа учган. Тарихнинг бу аччиқ сабоқлари дунёнинг қай бир чорраҳаларида бугун ҳам унут бўлаётгани бағоят таассуфлидир. Кўнгил кенг бўлса, моддий ва маънавий бойликлар ҳаммага етади, биздан кейингиларга ҳам қолади. Бу мураккаб дунёнинг маънавий устунлари ҳақида гап кетганда, давлатимиз раҳбарининг қўйидаги сўзларини эслаб ўтиш ўрнили бўлади: "Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқ. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак".

Ҳадемай ҳаётимиздаги энг улғу ва энг азиз байрамни ўн еттинчи бор нишонлаймиз. Бир қарашда умрининг ўн етти лаҳзасидек гап. Аммо, бу йиллар ичида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар, ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар лаҳзалар бағрига сиғмайдими. Уларни идрок этмоғимиз ва қадрига етмоғимиз зарур.

А. МЕЛИБОВЕ.

Бойсун туманидаги Меҳрибонлик уйига қарашли болалар оромгоҳида "Қамолот" ЁИХ ташаббуси билан "Ўзбекистон — Ватаним маним" мавзусида тадбир ташкил этилди.

“ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ”

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик — энг улғу неъмат, уни кўз қорачиғидек асраш эса шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчи эканигини эътироф этишди. Ўртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётгани таъкидлаб ўтилди.

"Мен Ватанимни қулайман", "Дунё болалари тинчлик истайди" ва "Қамалак ёдуси" мавзусидаги расмлар танловида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари фаол иштирок этишди. Улар чизган расмларда акс этган ўртимизнинг сўлим табиати, боғу роғлари, бепоең далалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Т. МАҲМАДАЛИЕВ,
"Адолат" мухбири.



МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Қолаверса, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Истеъмоличилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти, Республика ОИТС маркази, Қизил ярим ой жамияти, Тошкент шаҳар Миллий маданий марказлари ва бошқа қатор нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Кўп узокқа бормайлик: яқинда ФЖУИ ҳамда АҚШ Миллий демократик инсти-

тути билан ҳамкорликда ташкил этилган "Сиёсий партиялар: ривожланиш жараёналари" мавзусидаги уч кунлик семинар-тренингда шаҳар Кенгаши аъзолари анча фаол иштирок этишди.

Пленумда партиянинг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва мустақамлаш, партия сафига ижтимоий адолат ва демократик гоғларни қўллаб-қувватловчи фуқароларни жалб этиш борасида шаҳар Кенгаши томонидан қўлгина ишлар амалга оширилаётгани эътироф қилинди. Бунинг самараси ўларок, партия сафи кенгайиб, бош-

ланғич ташкилотлар сони кўпаймоқда. Мисол учун, партиянинг Собир Раҳимов тумани Кенгашида бошланғич ташкилотлар сони 89 тага етди.

Пленум йиғилишида аъзолик бадаллари тушуми ҳам қизғин муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар аъзолик бадалларини йиғишда айрим туманларда оқсоқиллар кўзга ташланаётгани, камчиликларни бартараф этишда ҳудудий Кенгашлар котибларининг жонбозлигини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрами муносиб кўтиб олишда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

— Ушбу тарихий сананинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини фуқароларимизга тарғиб қилишимиз олдимизда турган муҳим вазифалардан дидир, — деди Чилонзор тумани партия Кенгашининг биринчи котиби Саида Ҳакимова. — Қўтлуг байрам тадбирларини халқимиз онги ва шуғрида ёрқин из қолдирадиган даражада ўтказишга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар асосидан иштирокчилар нуктаи назари белгилан олиниб, Пленум қарори қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
"Адолат" мухбири.



Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

МАҚСАД АНИҚ, ВАЗИФАЛАР ҲАМ

Наманган вилояти партия Кенгашининг навбатдаги VIII пленумида 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги иш фаолияти муҳокама қилинди. Вилот партия Кенгашининг биринчи котиби Ҳамидхон Аҳмад-хўжаевнинг маърузасида таъкидланишича, жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонунда белгиланган вазифалар партиянинг дав-

лат ва жамият қурилишидаги ролини ошираётди.

Пленумда эътироф этилганидек, партия фаолиятида сезиларли даражада ижобий силжиш кузатиляпти. Айниқса, Косонсой, Чўст, Наманган туманлари Кенгашларида ишнинг бирмунча самарадорлиги ошди. Бунинг биринчи аҳоли ўртасида ўтказилаётган турли мавзулардаги тадбирлар қўламин кенгайганлигидан ҳам сезиш мумкин.

Тадбирда маҳаллий партия етакчилари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва галдаги вазифалар белгилан олиниди.

С.АБДУРАҲМОНОВ,
"Адолат" мухбири.

Котиб минбари

КАРМАНА КАМАРБАСТАЛАРИ

Жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун барча сиёсий партиялар қаторида "Адолат" СДПнинг ҳам ўз ваколатларини амалга оширишдаги роли ва масъулиятини кучайтирди, кенг ҳуқуқий имкониятлар очиб берди.

Конституциявий Қонун барча бошланғич ташкилотларимизда чуқур ўрганилиб, вазифалар белгилан олиниди, тадбирлар режаси тузилди. Бу вазифаларни муваффақиятли урдалаш ниятида эзгу мақсад йўлида барча фаолларимизни

жипслаштиришга интилдик. Туманимизда 8 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга сиёсий жиҳатдан етук 320 нафар партия аъзоси жипслашган. Қайси соҳада ишлашларидан қатъи назар, улар жамоат ишларида фаол иштирок этиб келишяпти. Масалан, тумандаги 4-мактаб ўқитувчиси Гулчехра Сатторова халқ таълимидаги ислохотларни амалга оширишдаги жонбозлиги билан бир қаторда, маҳалла ободончилигида, тўй ва маъракаларни тартибли ўтиштириш таъминлашда, ногиронлар ҳолидан хабар олишдек эзгу ишларда доимо қамарбаста.

Кенгашимизда Ёшлар қаноти ва Хотин-қизлар қаноти ташкил қилинган. Улар ёшлар ва хотин-қизларнинг мавжуд муаммоларини бар-

тариф этишда, сиёсий-ҳуқуқий билимларини шакллантиришда самарали фаолият юритмоқда. Маҳалла ва мактабларда "Ватан остана-дан бошланади", "Гийҳандлик — аср вабоси", "Иқтидор ва истеъдоднинг сеҳри дунёси" каби мавзуларда тадбирлар уюштириб келинмоқда. Масалан, яқинда тумандаги "Хонларов", "Қаттамачи" маҳаллаларида ўтказилган тадбирларимиз миллий қадриятлар, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ёш оилалар ўртасида аҳилликни мустақамлаш, кишлоқларда қасанчаларини ривожлантириш сингари муҳим масалаларга бағишланди.

Обид ТУРБОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Кармана тумани Кенгашининг биринчи котиби.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ГЎШАСИ

— Ватанимизнинг мустақилликка эришиши кишлоқларимиз тарихийётида янги босқични бошлаб берди, — деб ҳикоя қилади йигин раиси Ҳайдар Муродов. — Ҳудуддаги ўнта кишлоқда ҳам қурилиш, ободонлаштириш ишлари жадал тус олди, 920 хонадонга бирлашган олти мингга яқин аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва турмуш фаровонлигини оширишга, боғ-роғларни кенгайтиришга, экин ерлари унумдорлигини оширишга, замонавий ўй-жой ва бошқа маданий-маиший бинолар қуришга катта эътибор берилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мазкур ҳудудда битта мактабгача таълим муассасаси, 2 та ўрта умумий таълим мактаби, 2 та кишлоқ врачлик пункти қурилди, қўшма қорхона ташкил этилди. Замон талабларига жавоб берадиган "Ҳайдаробод" савдо маркази ва яна 8 та янги савдо дўкони фойда-

ланишга топширилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси бирмунча ортди. Давлатобод кишлоқида ишга туширилган янги саломатлик маркази замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди. — Эл қорига ярашнинг ўзи бир бахт, — дейди тадбиркор Усмон Кенжаев. — Қаволамаҳмудликлар тинчлик ва хотиржамликни чинакам бахт, деб тушунадилар. Зотан, тинчлик ва осойишталик барқарор жойда меҳнат ҳам, ижод ҳам завқ бағишлайди, кишига Мустақиллик шарофати билан кичик гишт заводи очдик. Унда 13 нафар ишчи меҳнат қилади.

Биз қурилиш материаллари билан юртдошларимизга хизмат кўрсатаётганимиздан, айрим кам таъминланган оилаларга ҳомийлик қилаётганимиздан мамнунмиз.

Дарвоқе, тадбиркорнинг саъй-ҳаракати билан яқинда собиқ хўжалиқнинг эски клуби қайта таъмирланган, кишлоқ тўйхонасига айлантирилди.

Мустақиллик туфайли бу кишлоқларда мулкдорлар синфи юзага келди. Айни чоғда 21 та галла, пахта етиштирадиган, 34 та боғ-чорбоғ, битта чорвачилик фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаёпти. "Қавола

техникаси" машина-трактор парк механизаторлари кечаю-кундуз уларнинг хизматида. Эл-юрт фаровонлиги йўлида тер тўкаётган фидойи фермерлар ҳамюртлари ардоғида.

Аслида ёруғ ниятли инсонларни тақдирнинг ўзи эзгулик сари бошлайверади. Бахтиёр Мирзаев, Воҳид Муродов, Бахтиёр Қосимов, Барно Гадов, Муҳаддас Мирзаева, Жасур Ботиров сингари ишбилармон фермерлар раҳбарлик қилаётган "Мафтуна Шохаббос Шохжаҳон", "Қосим Бахтиёр", "Арбоб Ҳусен", "Асилбек Мунира" ва "Арбоб Ботир" фермер хўжаликлари

Мусоҳаба

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ТАШАББУСКОРЛИГИ

партиянинг мақсад ва тўғларини амалга оширишда муҳим омилдир

Ҳар қандай сиёсий партиянинг нуфузи, ўз олдига қўйган мақсад ва режаларининг амалга ошиши унинг ҳудудий Кенгашлари фаолиятига, қолаверса, бошланғич ташкилотлари жипслиги, ташаббускорлиги, фаоллигига боғлиқ. Зеро, партия қуйи бўғинларининг ишчанлиги, жамият ҳаётида урчаб турадиган ўёки бу муаммоларга ечим топишдаги жонқуралиги партия фаолияти самарадорлигини белгилайди.

Мухбиримизнинг Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши биринчи котиби Наримон Шодиев билан суҳбатга мавзуси ҳам айтиш шу масала — туман ва шаҳар партия Кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ишчанлигини ошириш, бу борада олиб борилаётган эътиборга молик ишлар тўғрисида бўлди.

— Жорий йилда "Давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг кучга кириши жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятини қайта қўриб чиқиш заруратини тугдирди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— Аввало, партияимизнинг барча бўғинларида Конституциявий Қонун, унинг маъмури-моҳияти, аҳамияти чуқур ўрганиб чиқилиб, Қонун ваколати доирасида амалга

оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилан олиниди. Шунингдек, Конституциявий Қонун бизнинг олдимизга қўяётган ўта масъулиятли вазифаларни бажаришда кадрларнинг муносиблиги қўриб қилинди. Шу нуктаи назардан, партиянинг Учқўприк, Олтиарик, Риштон, Сўх, Тошлоқ ва Фарғона туманлари ҳамда Марғилон шаҳри Кенгашлари ишига малакали кадрлар жалб қилинди.

— Ҳақиқатдан ҳам Конституциявий Қонуннинг кучга кириши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирди. Шу маънода, ҳар бир сиёсий партия мазкур рақобатда ўзининг вилот, туман ва шаҳарлардаги қуйи кучларига, айниқса, бошланғич ташкилотлари етакчиларига таянади. Шундай эмасми?

— Ҳозир вилотимиздаги партияимиз аъзолари сони жорий йилнинг дастлабки ойларига нисбатан 700 нафарга ўсди, яъни 5550 кишига етди. Бу шундан далолатки, сафларимиз тобора кенгайиб бормоқда. Лекин айни пайтда сон эмас, сифат муҳимлигига эътибор қаратишимиз лозим, деб ўйлайман.

— Партия фаолиятини янада жонлантиришда партиянинг қуйи кенгашлари, бошланғич ташкилотларидан ташаббуснинг қиқили муҳим масала. Шу маънода, деярли барча туман Кенгашларимизда кўнгилмиш тўқ, уларда талаб ва имконият даражасида иш олиб боришмоқда.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Ҳазрат дарҳол жиловни тортиб, отдан тушади. Уст-боши лой ва чанга беланган кичикроқ бола ёнига бориб, саромлашади. Ойла аъзоларининг саломатлигини сўрайди. Уни ширин сўз билан эркалаб, бошини силайди.

Бундан ҳайратга тушган ҳамроҳлари бобомиздан сўрайдилар:

— Ҳазрат, бу нима қилганингиз? Муштипар боладан хол сўраш маъқеингизга тўғри келадики? Шунинг учун отдан тушингизми?

ҚАДРЛАНГАН ЖОЙДА АЗИЗДИР ИНСОН

— Бу бола устозимиз Абдурахмон Жомий ҳазратларининг неваралари бўлади. Устоз ҳурмати унга салом бермасам бўлмасди. Улғайгач, юртимизга шулар эгаллик қилишди. Киши ўз келажагига бефарқ бўлмаслиги лозим, — деб жавоб берибди ҳазрат Навоий.

Ҳа, устозларга кўрсатилажак эҳтиром, аввало, илм аҳлига бўлган самимий эътибор нишонасидир. Ўртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари эса маънавий илдиларимизнинг теран ва бақувват эканлигидан далолат. Қолаверса, бозор иқтисодиёти амал қилаётган ҳозирги шароитда бундай ғамхўрликларнинг кўрсатилиши айни муддао. Бу устозларнинг шоғирдлари илм ўргатиш, тарбия бериш масъулиятини янада кучайтиради. Ишончимиз комилки, бундай ғамхўрликка зиёлиларимиз янада самарали фаолиятлари билан жавоб берадилар. Зеро, устоз — отангдек улғу, деган ибора ҳамиша қадриятимизни белгилан берганидек, шахс сифатида шаклланаётган ёшларимиз камолатидан фахрланиб, гурурлансак арзийди.

М. САЙДУЛЛАЕВ.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ БАЛАНД

Бу йил Оролбўйига баҳор эрта келиб, ерга барака уруғи ҳар қачонгидан барвақт қадалди. Шу боис, тўлиқ пишиб етилган кўсақлар ҳам эрта очила бошладилар.

Ғўза парваришида илғор тахриббаларни қўллаб келаятган Эллиққалъа ва Тўртқўл туманларининг пахтакорлари дала шароитига қараб агротехник тадбирларни ўз вақтида бажаргани натижасида ҳар түп ғўзада 20-25 тадан кўсақ пайдо бўлди.

— Шундан иккита-учтаси шу кунларда тўлиқ очилди, — дейди Эллиққалъа тумани кишлоқ

ва сув хўжалиги бўлими раҳбари Сотимбой Йўлдошев. —Тумандаги "Тўртб" машина-трактор паркига қарашли "Шохрўх-Ҳамро" фермер хўжалиги далаларида мўл ҳосил тўпланди.

Бу йил 13 минг гектар майдонга чигит эккан Тўртқўл тумани пахтакорлари ҳам юксак хирмон яратиш ниятида меҳнат қилмоқда. Тумандаги "Намуна", "Уллубоғ", "Ўзбекистон", "Шураҳон" фермер хўжаликлари бирлашмалари пахтазорларида ҳосил чўғи баланд.

(ЎЗА).

Тадбиркорлик, ҳуқуқ ва муҳофаза

ҲИМОЯ ҚОНУНИЙЛИГИ БИЛАН УСТУВОР

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий фаолиятини тартибга солишга доир қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тадбиркорлик субъектлари янада кенг имкониятлар яратиб, ваколатли органларнинг улар фаолиятига ара-лашувини камайтирган ҳолда ҳуқуқий эркинликларини таъминлашга қаратилмоқда.

Бу борада, айниқса, Республика Президентининг "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиёт-ни янада эркинлаштириш соҳасидаги ўстувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш рағбатлантириш бо-расидаги қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий соҳасидаги ҳуқуқбу-зарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлашти-риш тўғрисида"ги, "Тад-биркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими-ни янада тақомиллашти-риш тўғрисида"ги Фармон-лари, шунингдек, "Тадбир-

корлик субъектлари томони-дан тақдим этиладиган ҳисоб-бот тизимини тақомиллаш-тириш ва уни ноқонуний та-лаб этганлик учун жавобгар-ликни кучайтириш тўғриси-да"ги қарори алоҳида аҳамия-ят касб этади.

Хусусан, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини яна-да тақомиллаштириш тўғриси-да"ги Фармоннинг қабул қилиниши амалга ошири-лаётган суд-ҳуқуқ ислохот-ларини янада ривожлантир-ди. Фармонда банклардаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкция-лар қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат да-ромадига ўтказиш, тадбир-корлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш, лицензиялаш ва рухсатнома-ларнинг амал қилишини 10 кундан кўп муддатга тўхта-тиб қўйиш каби таъсир чо-ралари қўланиши мумкин-лиги алоҳида айтиб ўтилган. Бу билан мамлакатимизда одил судловни амалга оши-риш, қонунчилини мустаҳ-камлаш ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда суд-ларнинг роли янада оши-рилди. Шу билан бирга улар

олдига қатор вазифаларни ҳам қўйди.

Зеро, янги тоифадаги ни-зомларнинг судловга тегиш-лилик масаласини ҳал этиш мумкин аҳамият касб этади. Бунда Ўзбекистон Респуб-ликаси Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги Кодекси та-лаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий процес-суал кодексининг 23-моддаси талаблари асосида низода қатнашаётган томон-ларнинг ҳуқуқий мавқеидан келиб чиққан ҳолда норма-лар (меъёрилар) белгиланди. Жумладан, умумий қоидага кўра, низода иштирок этаёт-ган томонлардан бири жис-моний шахс бўлган тақдир-да мазкур низо умумий юридикция судлари судло-виға тегишлидир.

Эътибор қилган бўлсан-гиз, жойларда қатор ҳоллар-да мумкин бўлган таъсир чо-расининг меъёри, ҳажми ва муддати (масалан, банк ҳисоб варақлари бўйича опе-рациялар тўхтатилганда қанча муддатга ва қандай ҳужжат асосида тўхтатилиши лозимлиги масаласи), молия-вий санкцияларни қўллашда асосланувчи ҳолатлар каби масалаларни ҳал этиш мумкинлиги юзасига келганда.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳуқуқий суди Раёса-тининг 2005 йил 25 август-даги қарори бу масалаларга анча ойдинлик киритди.

Масалан, ушбу қарорда давлат солиқ ёки бошқа на-зорат органлари ҳуқуқий судларига молиявий санк-циялар қўллаш тўғрисидаги аризалар билан мурожаат эт-ганларида, молиявий санк-ция қўллаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ва қаро-рининг қабул қилинишига сабаб бўлувчи текшириш ҳужжатларидан нусхаларни аризага илова қилишлари шарт. Бунда, асосий ғоя шундан иборатки, суд қаро-рида ҳуқуқий қўланиши субъект содир этган ҳуқуқбузарликлар учун бел-гиланган ҳуқуқий таъсир чо-раси чегарасини ариза ва унга илова қилинган ҳужжат-лар билан асослаши лозим.

Ариза рад этилган тақ-дирда қарор қабул қилиш билан биргаликда давтоний таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Бундан ташқари, раёсат қарорининг еттинчи қисми-да тадбиркорлик субъектла-ри ҳуқуқий таъсир чорала-рини қўллаш тўғрисида му-рожаат этилганда аризачи-

ларнинг давлат бож-и тўлашдан озод этилиши, ишни кўриш натижасида талаб қаноатлантирилган-да эса давлат бож-и жавоб-гардан энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида ундирилиши белгиланган.

Президентимизнинг 2005 йил 24 июндаги "Тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқбузарликлар учун мо-лиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғриси-да"ги Фармонига асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамия-ти, шунингдек, давлат бюджет-и ва давлат мақсад-ли жамғармаларига тўло-лар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузар-ликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қону-нда белгиланган тартибда материалларни суд орган-ларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгар-лик чоралари қўланиши ҳам белгилаб қўйилган. Зеро, ҳимоя қонунчилиги билан устувор. Қисқасини айтганда, мамлакатимизда истиқлол йиллари тадбир-корлик субъектларининг иқтисодий ва ҳуқуқий фао-лиятини тартибга солишга доир қабул қилинган бар-ча ҳужжатлар уларга кенг имкониятлар ва имтиёзлар эшикларини очиб бермоқ-да. Гап — фақат улардан қонуний фойдаланишда.

Анвар ИБРАГИМОВ,
Тошкент шаҳар ҳуқуқий
суд-и судьяси.

ДОЛЛАР АМЕРОГА АЛМАШАДИМИ?

Бундан ўн йиллар бурун АҚШ доллардан овоз кечиши мумкин, дейилса кўпчилик ишонмасди. Уша пайтлари долларнинг қадри анча баланд эди. Аммо бугунга келиб мамлакат иқтисодиётида кечаятган бўҳрон ва ипотека инқирози АҚШ миллий валютасининг нуфузини йўқотишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳол узоқни кўра биладиган америкалик мутахассисларни жиддий ташвишга солаётир. Яқинда АҚШ, Канада ва Мексика доллар ўрнига 2009 йилдан янги валюта — амерони жорий этишини маълум қилди. Ҳўш, бу чора вазиятдан чиқиб кетиш учун етарли бўлармикан?

Океанорти давлатларининг бундай хатти-ҳаракатини тушуниш мумкин. Европада янги тузилган иттифоқчилар томонидан евронинг муомалага киритилиши ва бу валютанинг яхшигина муваффақияти, ҳатто долларни ҳам ортда қолдирган америкалик иқтисодчи-ларнинг тинчлини бузгани тайин. Қолаверса, бугунги кунда дунё иқтисодиётининг қарийб 70-80 фоизи АҚШ доллари ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади. Агар доллардан овоз кечи-ладиган бўлса, жаҳон иқтисодиёти ҳар то-монлама зарбага учраши мумкин. Бундан молиявий захираларини доллар қўриниши-да сақлаб турган банклар, бойлар ва оддий фуқаролар ҳам катта зарар кўради.

АҚШнинг молиявий тизими бир валюта-ли эмас. Айтайлик, доллардан ташқари, гринбеклар ҳам бор. Мамлакатда иш опе-рацияларининг 90 фоизи банк чеклари во-ситасида амалга оширилишини ҳам ино-батга оласак, ички иқтисодий айланиш учун доллар у қадар мумкин эмас. Борди-ю, 223 йиллик тарихга эга бу пул ўз қадрини йўқот-са, доллар ҳисобида қарз олган кишилар дўпписини осмонга отишлари мумкин.

♦ ♦ ♦ ♦ ♦
"Доллар" инглизча "dollar", немисча "taler" сўзла-ридан олинган. 1786 йилда му-омалага киритилган. Долларни ишлаб чиқариш учун ҳар кун-и тахминан 18 тонна бўёқ сарфла-нади. Битта банкнотнинг оғир-лиги (номиналидан қатъи назар) 1 грамм. Пул тайёрлашга ишла-тиладиган қозғонинг 25 фоизи зигирлоя толаси ва 75 фоизи пахта толасидан иборат.

♦ АҚШ федерал резерв систе-маси маълумотиға кўра, 1 \$ банк-нотнинг хизмат муддати 22 ой. 5 \$ники эса 24 ой. 10 \$нинг умри — 18, 20 \$ — 25, 50 \$ — 55 ойдир. Энг узоқ муомалада бўладиган банкнот 100 \$дир. У 60 ой қўлдан-қўлга ўтади.

♦ Айрим норасмий маълумот-ларға қараганда, ҳозир дунё-нинг 70 дан зиёд давлатларида сохта долларлар муомалада. Қолаверса, "уддабурун тадбир-корлар" асосан 50 ва 100 дол-ларни сохталаштиришади.



Зеро, берилган кредит ўрнига ҳеч нарсга арзимайдиган оддий қозғонларни қайтариб қарзни ёпиш мумкин. Доллар ўрнига амеро муомалага киритилса, бу ҳолат АҚШ учун экспорт соҳасида бекиёс уфқларни очиб беради. Чунки ишлаб чиқарилган товарлар нархи арзонлашиб, сотиб олувчилар, ис-теъмолчилар сони кўпаяди.

Ҳар бир ишнинг интихоси бўлганидек, 200 йилдан зиёд тарихга эга бўлган доллар ҳам ўз қадр-қимматини йўқотиб бормоқда. АҚШ эса, иқтисодий инқироздан чиқиб учун миллий валютадан овоз кечишни лозим кўра-тир. Долларнинг амерога алмашиши ҳали расман тасдиқланмаган. Мабодро бу лойиҳа амалга ошадиган бўлса, евро жаҳонда яққол етакчилиги қўлга олиши мумкин.

Америкалик журналистлар ўн ой даво-мида халқро айланида бўлган сохта 100 долларлик супербанкнотлар устида текши-рув ўтказиб, натижаларни оммага ошкор этишди.

Бундай пуллар худди ҳақиқий доллар каби пахта ва зигир толалари аралашмасидан тайёрланган қозғонда босилган. Ҳақиқий дол-лардан сохтасини ажрати олишга ёрдам бериши керак бўлган сув-белги (кўёш, ёрққа тутганда кўринадиган белги)лар ҳам деярли фарқлаб бўлма-ди даражада. Шунинг-дек, бу долларларни тайёрлашда ранги ўзгарадиган сиёҳ қўлланган.

Бундан ташқари, қалбаки долларларнинг камида 19 тури аниқланган. Уларнинг фарқи ўйиб ишланган босма шаклларида кичик тафовутларда кўринади. Бу эса, қалбаки пул ясовчиларга хос эмас. Пулларни қалба-килаштириш тарихи ҳақидаги китоб муал-лифи, машҳур эксперт Клаус Бендернинг тахминича, бу долларлар ҳукуматнинг пул чоп этиш усулаларидан фойдаланиш им-кониға эга бўлган шахслар томонидан чи-қарилмоқда.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Адолат" мухбири.

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаётир

Қашқадарё вилоятида бу-гунги кунда мамлакатимиз-нинг барча ҳудудларида бўлгани каби хорижий ин-вестицияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқариш кор-

хоналари бунёд этишга кат-та эътибор қаратилапти. Бу вилоят аҳолисининг иш би-лан бандлигини таъминлаш-га ҳисса қўшиш билан бир-га сифатли маҳсулотлар би-

лан жаҳон бозорига кириб бориш имконини бермоқда. "Cotton Road" Ўзбекис-тон-Туркия-Америка қўшма корхонаси бундан 4 йил бу-рун иш бошлаган. Даст-

лабки йилларданок модер-низация йўлини тутган кор-хона тез орада ил қалава, тўқув газлавлари ва трико-таж полотно маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослаш-ди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 2 миллион АҚШ дол-ларига тенг миқдорда ма-хсулот экспорт қилишга эри-шилди. Асосан Туркия, Рос-сия ва Европанинг бошқа давлатлариға экспорт учун йўналтирилган бу маҳсулот-лар сифати хорижлик хари-дорлар томонидан юксак ба-ҳоланмоқда. Бугунги кунда корхонада кунига 10 тонна-гача пахта қайта ишланмоқ-да.

— Жорий йилда экспорт миқдорини 3 миллион АҚШ долларига етказишни кўзда

тутганмиз, — дейди кор-хона раҳбари ўринбосари Нурали Маҳматов. — Кел-гуси йил режаларини ҳам модернизациялаш истиқ-болларига кўра ҳозирдан мўлжалга олиб бораёмиз. Ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга ошириб, пах-тани қайта ишлаш қувва-тини янада кучайтирамиз. Айни кунларда қўшма корхонада иш қизиган. Ўз корхонасининг иқтисодий бақувват бўлишидан ман-фаатдор ҳар бир ишчи-хо-дим маҳсулотлар сифати-га алоҳида эътибор бер-ган ҳолда фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Ўз мухбиримиз,
Носир ҲАЙДАРОВ олган
суратлар.



Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.



Қишлоқ хўжалиги

МУҲИМ ПАЛЛА БОШЛАНДИ

Айни кунларда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликда ҳосил тақдирини ҳал қиладиган муҳим палла бошланди

Лафзи ҳалол, танти дех-қонлар пиллачилиги ва гал-лачилиқда қўлга киритган юкори натижалардан руҳ-ланлар ҳолда пахтачиликни ҳам юкори кўрсаткичлар бил-лан қаршилашга астойдил киришганлар. Шу маънода, Андижон вилоятидаги бир гуруҳ илгор фермерларнинг гўза парваришини кучайти-риш борасидаги мурожаати туманларда чуқур ўргани-либ, унда ўқитилган тавси-яларға асосан иш ташкил этилмоқда.

Биз яқинда гўза парва-ришига астойдил киришган Балиқчи туманида илгор фермерлар билан суҳбатда бўлдик.

У.Эрматов, "Умидли Балиқчи даласи" фер-мер хўжалиги раҳбари:

— Айни кунлар гўза пар-варишида ҳал қилувчи давр ҳисобланади. Бу масулу-ятни ҳис этган дехқон ютса ютадики, асло ютказмайди. Биз ҳам 17 гектар ердаги

гўза парваришини талаб да-ражасида амалга оширишга интиляёмиз. Экинларға шу кунгача 3 марта ўғит солин-ди, 4 марта чуқур культив-ация қилинди. Гўзанинг тоби-ға қараб сув оқизилапти. Ал-батта, сув шарбат билан қўшиб оғатларға таралмоқда.

Пахтачиликда гўзани за-раркунанда ҳашаротлардан сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки дехқон бу борада бе-парволикка йўл қўйса, йил бўйи йиққан ҳосилини бир-икки кунда бой бериши ҳеч гапмас. Бизда бу борада яхши тажриба тўпланган. Ҳафтанинг бир кунини ҳашо-ратларға қарши курашиш кун-и, деб эълон қилганмиз. Қилаётган меҳнатларимиз натижаси бўлиб ҳосил шох-ларида ўзини намоеён қил-моқда.

П.Шамсиддинов "Мақ-сад ҳолис Балиқчи" фер-мер хўжалиги раҳбари:

— Ҳаммаси бўлиб хўжали-гимизда 31 гектар пахта май-

дони бор. Ана шу майдон-даги гўза парваришини оби-тобида олиб бораёямиз. Ўтаётган ҳар бир кун гўзанинг соғлом ривожла-нишиға қаратилапти. Ҳозир минерал ва маҳал-лий ўғит солинган қатор ораларға саратон суви оқизилмоқда.

Айни дамда ҳашаротлар-ға қарши тинимсиз кураш олиб бораёямиз. Бунинг учун йил бошидаёқ "Балиқ-чи тожи" биологатория-си билан шартнома тузга-нимиз қўл келди. Лабора-тория ҳодимлари ҳосилни сақлаб қолишда бизга ама-лий ёрдам беришмоқда.

Хуллас, олдимизға қўйилган мақсадимиз аён. Бошқа тармоқларда қўлга киритилган муваф-фақиятларимиз сингари пахтачиликда ҳам қўзлан-ган маррани забот этимиз, албатта.


Азамат МАХМУДОВ,
"Адолат" мухбири.

ТЎРТТАСИДАН БИРИ...

АҚШда ҳар тўртин-чи кўприк хавфсизлик-ка жавоб бермайди.

Бу мамлакат транс-порт ва коммуникацияни назорат қиладиган мил-лий ассоциация ҳисоб-отида қайд этилди. Унда ёзиллишича, Қўшма Штат-лардаги 600 мингта кўприклардан 152 минг-таси эскириб, талабга жавоб бермай қолган. Шу боис, бу кўприкларни тезда таъмирлаш зарур. Бунинг учун эса 140 миллиард доллар маблағ сарфлаш талаб этилади.

Ҳисобот Миссисипи дарёсида қурилган улкан автомо-биль кўпригининг кулаганига бир йил тўлгани муносабати билан ҳукуматта тақдим қилинган. Ушанда кўприкнинг дарё-га қулаши оқибатида қарийб 50 та автомобиль сувға гарқ бўлган, 13 киши дунёдан кўз юмган эди.



ЯГОНА ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Белорусь президенти Александр Лукашенко "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонунни имзолади. Бундан асо-сий мақсад фуқаролар-ни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш-дан иборат.

Янги қонун талабига кўра, жисмоний шахсларни рўйхатга олиш билан шу-ғулланувчи турли давлат ташкилотларидаги барча

маълумотлар ягона базага бирлаштирилади. Бу ерда фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, жин-си, туғилган жойи ва санаси (шунингдек, марҳумларнинг вафот этган жойи ва санаси), фуқаролиги, оилавий аҳо-ли, яшаш жойи, машғулот тури сингари шахсий маълумотлари сақланади. Шунинг-дек, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига шахсини белги-ловчи алоҳида идентифика-



цион рақам берилади. Бу эса соҳадаги ишларни юритиш-да қулайлик туғдиради.

ҚАДИМИЙ ОТЧОПАР ТОПИЛДИ

Юнонистоннинг қадимий ҳудуди — Олимпиядада қазиниша ишларини олиб бораётган археологлар бу ерда илк му-собақалар ўтказилган ўйингоҳ — отчо-пар ўринини аниқлашди.

Яқин-яқингача ушбу отчопардан ном-ни-шон қолмаган, деб ҳисобланарди. Чунки бу жой кўп марта сув остида қолган. Унинг ўринини аниқлашда замонавий геофизик тад-қиқот усуллари ёрдам берган, дейилади «РИА Новости» хабарларида.

Отчопар ёнида олимплар Деметра ибод-атхонаси қолдиқларини ҳам топишган. Ибодатхона, қадимий юнон ёзувчиси Пав-

саний тасвирлаганидек, диаметри 10 метр-га яқин доира шаклида экан.

Лойиҳа иштирокчиларини бир — Иоганн Гуттенберг номидаги университет профессори Норберт Мюллернинг билди-ришича, қадимий ўйингоҳнинг топиллиши чинакам кашфиёт. Таъкидлаш жоизки, Олимпиядада қазинмалар 1826 йилдан бун (орада танавфуслар билан) давом этиб келинаётганди.

• Аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган Косова ҳукумати фуқароларға янги давлат паспортини бера бошла-ди.

